

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

31-йил
ЧИҚИШИ.

№ 235 (5328).

30
НОЯБРЬ
ШАНБА

1974 йил.

Баҳоси 2 тийин.



СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОЖИКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИ

ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тожикистон ССР меҳнаткашларининг революцион ҳаракатида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ва дунёда биринчи кўп миллий социалистик давлат — Совет Социалистик Республикалари Иттифодининг мустақамлаши йўлида олиб борилган курашдаги катта хизматлари учун, Ватанимизнинг душманларига қарши жангларда қўрсатган қаҳрамонлиги ва коммунист курялидаги муваффақиятлари учун Тожикистон Совет Социалистик Республикаси Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1974 йил, 30 ноябрь.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ — ҒАЛАБАЛАР МАНБАИ

ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА
ТОЖИКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТАНТАНАЛИ МАЖЛИСИ

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига Тожикистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумига Тожикистон ССР Министрлар Советига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тожикистон ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини, барча меҳнаткашларини ва уларнинг жанговар авангарди — коммунистларини тарихий сано — Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Коммунистик партияси тузилгандигининг 50 йиллиги билан қизгин кутайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси тожик халқини социал ва миллий зулмдан озод қилди, Тожикистон социалистик давлатга эга бўлди, рус халқининг ва СССРдаги бошқа халқларнинг қардошларча ёрдами билан республика меҳнаткашлари тўб социалистик ҳаёт ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширдилар. Совет Тожикистони ташкил топган кундан бери ўтган ярим аср мобайнида чор Россиянинг қолоқ мустамлака чекка ўлкасидан юксак даражада ривожланган социалистик республикага айланди. Тожикистон СССРда замонавий техника билан қуролланган индустрия, қудратли энергетика базиси вужудга келди, халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланди. Совет ҳўжалиги йиллари мобайнида республикада саноат ишлаб чиқариши ҳажми 500 баравардан зиёд ошди. Машинасозлик, қонрула, химия, енгил саноат юксак даражага эришди. Кўп тармоқли ғоят интенсив кишлоқ ҳўжалиги, айниқса пахтачилик тез сўраётлар билан ривожланмоқда. Бир қанча йирки ирригация ишсўтлари ишга туширилди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги тобора юксалмоқда, уларнинг турмуши тўбдан ўзгармоқда.

Совет Тожикистонида маданият, фан, адабиёт ва санъат мисли қўрилмаган даражада раванг топди, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш кенг ривожланди. Тожик хотин-қизларининг ҳўқуқсизлиги ва зулм-асоратдан озод этилганлиги социализмнинг буюк ғалабасидир. Ҳозирги вақтда хотин-қизлар иқтисодий ва маданий қўрилишда, жамияти ва давлати бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг ажойиб муваффақиятлари — социалистик тузум буюк ҳаёбхаш кўчининг, КПСС бунёдкорлик фаолиятининг, ленинча миллий сиёсат, СССР халқлари дўстлиги тантанасининг ёрқин далилдорлиги, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, барча меҳнаткашлар фидоикорона меҳнатининг самарасидир.

Тожикистоннинг коммунизм иши учун чексиз садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган ўғил ва қизлари совет халқларининг ягона оқласида коммунистик қўрилишнинг барча участкаларида фидоикорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар, Совет Социалистик Республикалари Иттифодини мустақамлашга Ватанимизнинг барча халқлари билан бир сафда туриб келиб фашист босқинчиларига қарши қарарқониларча жанг қилдилар, фронтда ва мамлакат ичкарисиде Ватанга чексиз содиқ эканликларини намойиш қилиб кўрсатдилар. КПССнинг жанговар отряди — Тожикистон Коммунистик партияси ўз ярим асрлик тарихининг ҳамма босқинларида омманинг сингалган ташкилотчиси бўлди. У меҳнаткашларнинг иқодий ғайратини партия XXIV съездининг тарихий қарорларини, янги жамият қуриш улўғвор планларини бажаришга актив сафарбар қилмоқда.

Совет Тожикистонининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мурожаатиға жавобан тўққизинчи беш йиллик топириқларини ва унинг тўртинчи, белгиланчи йили учун олигана социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун мусобакани кенг авж олдирилди. Улар республиканинг 50 йиллиги шарафига меҳнат ваҳтасида туриб, меҳнат умўрдолигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, фан-техника тарққийтининг тезлатиш учун нунт билан курашмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Тожикистон Совет Социалистик Республикасининг ишчиларини, колхозчиларини, зиёлиларини юксак мукофот — Октябрь революцияси ордени билан самимий кутайди ва республика меҳнаткашлари Ватанимиздаги барча халқлар билан қардошларча дўстликка, лари Ватанимиздаги барча халқлар билан қардошларча дўстликка, коммунистик қурилиш йўлида янги ажойиб муваффақиятларга эришадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Яшасин, Тожикистон Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин КПССнинг жанговар отряди — Тожикистон Коммунистик партияси!

Яшасин Социалистик Ватанимиздаги барча халқлар дўстлиги ва қардошлигининг мустақам таъини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Суратда: КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний юксак мукофотни Тожикистон ССР байроғига тақиб қўймоқда.

Тожикистон меҳнаткашлари, барча совет ишчилари Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлиги ва Тожикистон Коммунистик партияси тузилгандигининг 50 йиллигини қиздира ва тантанали нишонламоқдалар. 29 ноябрь кунги республика Сибсий маориф йўлида Тожикистон Компартияси Марказий Комитети билан Тожикистон ССР Олий Советининг шонли саналарга бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлди.

Зада — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари, республика Олий Совети

нинг депутатлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва кишлоқ ҳўжалик илғорлари, фан ва маданият илғорлари, Совет Армиясининг жангчилари ўтиришбди. Бу ерда барча иттифондор республикалардан, Москва Ленинград шаҳарларидан келган қўшма меҳмонлар ҳам бор.

Тантанали мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзолиққа кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р.

Рашидовни, республика раҳбарлари — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулони, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холонни, республика Министрлар Советининг Раиси Р. Набееви қарсақлар билан қўлиб олдилар. Тожикистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, тантаналарда қатнашган учун келган делегацияларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқаришнинг дондор илғорлари, жамоатчилик вакиллари ҳам президиумга қўлиб ўтирдилар.

Тантанали мажлисини ўртоқ Ж. Расуллов очди. У социалистик мил-

латларнинг раънақи тўғрисида, совет халқларининг қардошларча дўстлигини мустақамлаш ҳақида, совет ишчиларининг фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисида донмий ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сибсий бюросига, шаҳсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. Н. Брежневга Тожикистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан фарзандлик миннатларини изҳор этди.

СССР ва Тожикистон ССР давлат ғамхўрлари янграйдилар. Тантанали мажлис қатнашчилари

ри ўртоқ Л. Н. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитети Сибсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Тантанали марш садолари остида залга қўш ордени Тожикистон ССР байроғи ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг эъзодлик байроғи олиб кирилди.

Мажлис ахли самимий қўлиб олган КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

СОВЕТ ТОЖИКИСТОННИ ЭЗЛИК ЁШДА

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар ва дўстлар! Мамлакатимиз бутун Тожикистон Совет Социалистик Республикаси ва Тожикистон Коммунистик партиясининг 50 йиллигини тантанали нишонламоқда. Шу залда иттифондор республикаларнинг, қаҳрамон шаҳарлар Москва ва Ленинграднинг делегациялари ўтиришбди. Минг-минглаб совет ишчилари, меҳнаткашларнинг жуда кўп коллективлари шонли юбилей билан табриклаб, мантублар ва кутловларини юбордилар.

Бугунги тантана 250 миллионлик бутун совет халқининг, улуғ Ватанимиздаги барча миллиятлар ва элаларининг муштарак байрами, деб қўлиб ишонч билан айтиш мумкин. Бу байрам ягона, кўп миллиятли давлатимизда халқларнинг янги аср мобайнидаги ҳамкорлигининг, мамлакатимиз

тараққийтининг қудратли омили бўлиб қолмоқда ҳаёбхаш дўстлигининг яна бир қўлидир.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, партияимиз Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев номидан Тожикистон меҳнаткашларини ажойиб юбилей билан қизин ва самимий муборакбод қилиб, сизларга энг яхши истакларни билдиргани шарафига мўнсаар бўлганлигидан тоғт мамнузмам. Табриқномани топиришга руҳсат берайсиз.

Азиз ўртоқлар, Тожикистон ССР меҳнаткашларининг қилган катта хизматлари учун республикаимиз Октябрь революцияси ордени билан мукофотланганлигини ҳушудин билан маълум қиламан. Мана шу янги олий мукофот

Ленин ордени ва Халқлар Дўстлиги ордени билан биргалиқда республиканинг байроғини безатиб туради. Бу ордени сизларни Октябрьнинг афсонавий кўнларига партия илгари сўраган олий мақсадлар ва идеаллар йўлида, коммунистик қурилишда янгидан-янг талабалар йўлида фидоикорона меҳнат қилишга руҳлантиришга шахсубоха қўқ.

Октябрь революцияси номидаги ордени билан Тожикистон республикаси, шунингдек, ўзининг ташкил топганлигининг шонли йиллигини нишонлаган бошқа республикалар ҳам тақдирланди. Яқиндаги ССР Иттифонининг 50 йиллиги муносабати билан барча иттифондор ва автоном республикаларимиз Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланганлиги эсинида бўлса керак. Мана шу

орденларни мунасамамантириб турган қарсақлар бир-бири билан ушвиш, чамбарчас болганандир. Айни Улуғ Октябрь халқлар ўртасида тамомили янгица муносабатларнинг вужудга келиши учун мустақам негиз бўлиб қолди. Ленинча миллий сиёсат амалга оширилганлигининг самараси бўлган халқларимизнинг қардошларча бирлиги ўз навабатида социал тарққийтининг қудратли тезлатиш кучи, социалистик революция талабаларини мустақамлашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири бўлди.

Ленин, Октябрь Революцияси, халқлар дўстлиги совет ишчилари онгда умрбод бир-бири билан қўлиб кетган қаби ҳаммаимиз учун азиз бўлган бу тўқсозлар бундан буён Тожикистоннинг байроғида ҳам ҳамниша бирга туради.

Ўтган ярим аср мобайнида тарихда ўзининг мазмуни ва улўғворлиги билан мислсиз ўзгаришлар руй берди. Бу ўзгаришлар надининг тожиклар дёбирида ҳам сўнимас из қолдирди, бу ерларда яшовчи яшнларнинг ҳаётини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартирди.

Ярим асрлик юбилей чўққисиде туриб қараганда илгари тожик халқи бошидан кочирган забўлиқ ва миллий камситилиш ҳолати айниқса аниқли эканлиги равшан қўринади. Янаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирларни етиштириб берган тожик халқи XX аср бошларига келиб, пароканда бўлиб қолди, феодализм-муштарак бўлиш, сиёсий ҳўқуқсизлик, қамшоқлик ва жаҳолат шаронтида яшайди.

Бу ўлкаларда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, машаққатли иш бўлди. Меҳнаткаш халқ ҳокимияти Тожикистон дёбирида узил-кесил қарор топгунга қадар орадан кўп вақт ўтди, жуда катта куч-ғайрат сарфлаш, Совет Россиясининг, унинг шонли Қизил Армиясининг ёрдами зарур бўлди, кўп машаққатларни бошдан кечиришга, кўп қийинчиликларни бартараф қилишга тўғри келди.

(Давоми иккинчи бетде).

УЛКАН ЗАФАРА

Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг секретари
Ўртоқ А. К. КАРИМОВга

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ
Ғ. Н. НАСРИДИНОВга

Сурхондарё областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, кишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг нохлестивлари, партия, совет, касба союзу ва комсомол ҳодимларини меҳнатда эришилган катта ғалаба — давлатга пахта сотиш юзасидан олигана социалистик мажбуриятларининг бажарилиши билан қизгин кутайсан.

Аминмангил, область колхоз ва совхозларининг меҳнатчилари қўлга киритилган муваффақиятларини мустақамлаш учун зарур бўлган барча ишларни қилдилар, келгуси йили пахта, дон, бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ва ялли ҳосилдани қўлайиришга эришадилар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширадилар ва беш йиллик план топириқларини муваффақиятли бажарадилар.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил, 29 ноябрь.

Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг секретари
Ўртоқ М. И. ИБРОХИМОВга

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг раиси
Ўртоқ И. Б. УСМОНХўЖАЕВга

Наманган областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, механизаторларини, кишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги мутахассисларини, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг нохлестивлари, партия, совет, касба союзу ва комсомол ҳодимларини давлатга пахта сотиш юзасидан халқ ҳўжалик планининг муваффақиятли бажарилиши билан қизгин кутайман.

Кишлоқ меҳнатчилари, сўғориладиган деҳқончиликнинг катта имкониятларидан, машиналардан, ўғитдан, фан ва илғор тажриба ютуқларидан моҳиринг билан фойдаланиб, 1975 йилда пахта, дон, сабзавот, мева ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ва ялли ҳосилдани оширишга, чорвачилик маҳсулдорлигини қўлайиришларига, давлатга барча кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиш юзасидан беш йиллик план топириқларининг ошириб бажарилишини таъминлашларига аминман.

Л. БРЕЖНЕВ.

1974 йил, 29 ноябрь.

РАЙОН БЎЙСУНИШИДАГИ ШАҲАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

Район бўйсунмидаги шаҳарларда қурилиш ишлари қандай бормоқда, меҳнаткашлар депутатлари советлари бу шаҳарларнинг аҳолиси ҳўтижепарни тўғрисида қандай ғамхўрлик қилмоқдалар. Республикадаги шу шаҳарлар ижроия комитетлари раисларининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уюштирган уч кунлик семинарда ана шу ва бошқа муҳим масалалар қўриб қилинди. Семинарнинг республика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осет-

ров очди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг, Министрлар Советининг, республика Госстрояининг масъул ҳодимлари КПСС XXIV съезди қарорлари асосида шаҳар советлари ижроия комитетларининг ишини тақомиллаштириш раёонга тобе шаҳарларни қуриш ва планлаштириш, маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг ишида социалистик қонунчиликка риоя қилиш масалалари юзасидан тингловчилар ҳузурида доклад қилиб, лекциялар ўқидилар.

Семинар қатнашчилари ободончиликни, уй-жой қурилишини, коммунал, мишши, савдо ва маданий хизмат кўрсатишни, жамоат тартибни сақлашни ташкил қилиш соҳасидаги иш тақриблари билан ўртоқлашдилар. Шаҳар советлари доимий комиссияларининг иш тўғрисидаги масалалар қўриб қилинди.

Семинарда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

(ЎТАҒ).

РАНГУНДАН ҚАЙТАЁТИВ

Тошкент аэропортида ўртоқ Ене Фокни, унинг рафиқасини, делегация аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг

раиси Н. Ж. Худойбердиев, республика ҳукуматининг аъзолари кутиб олишди. (ЎТАҒ).

